O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 10 октябрь, №218 (3046) Пайшанба

## ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" маърузасини ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этди.




Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устувор йўналишлари китобда батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат. Энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Учинчи устувор йўналиш — бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий этишдир. Бешинчи устувор йўналиш — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир. Олтинчи устувор йўналиш — бу суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат.

Китобда таъкидланганидек, қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ниҳоят, еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Яъни, демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш, аввало, ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган.

(ЎзА).



## 97 фоиз маҳсулот қайта ишланяпти

Булунғур тумани мамлакатимизда мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлашда ўзига хос нуфузга эга. Бу ерда 5000 гектар майдонда токзор мавжудлиги бунинг далилидир.

Жорий йилда туман соҳибкорлари 16 минг тонна узум етиштиришни мўлжаллашмоқда. Айни кунларда эса деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб олиб, уни қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш юбормоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, туман хўжаликларида етиштирилаётган мева, узум ва сабзавот маҳсулотларининг 97 фоизи қайта ишланяпти.

**СУРАТДА:** ***ёш соҳибкор Гулмира Абилқосимова.***

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Мажмуалар йиғилиши

## ЯКУНЛАР ҲИСОБ СЎРАЙДИ

### ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёқилғи-энергетика мажмуининг 2002 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарган мазкур мажлисда 2002 йилнинг ўтган даврида мажмуа корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, моддий-хомашё ресурслари заҳираларини кўпайтириш, углеводородларни қазиб олиш бўйича янги қувватларни ишга тушириш, режалаштирилган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва экспортнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашга йўналтирилган мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилгани таъкидланди.

Шунингдек, ёқилғи-энергетика мажмуи соҳалари корхоналарида асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг куз-қиш мавсумида узлуксиз ҳамда бир маромда ишлашини таъминлаш бўйича тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

Айни пайтда соҳалар ва корхоналар раҳбарларининг эътибори республика иқтисодиёти соҳаларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, уларни истеъмол қилишда лимит тартибларига риоя қилиш ҳамда улардан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш зарурлигига қаратилди.

Мажмуа мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан ўтган давр мобайнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича биринчи даражали вазифалар кўрсатилган қарорлар қабул қилинди ва 2002 йилнинг IV чорагида ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид асосий йўналишлар белгилаб олинди.

### АГРОСАНОАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг жорий йил тўққиз ойи мобайнида қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, мазкур мажмуа раҳбари Н.Юсупов бошқарган йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодий ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани таъкидланди. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу йил давлатга дон сотиш бўйича салмоқли ютуқларга эришилди. Дон етиштириш қарийб 5,5 миллион тоннага етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан деярли 1 миллион 500 минг тонна кўп демакдир.

Шунингдек, гўшт, сут, тухум етиштириш ҳажми ортди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз кўпайди. Мажмуа бўйича ўтган тўққиз ой мобайнида маҳсулот экспорт қилиш топшириғи 160,9 фоиз бажарилди.

Деҳқонларимиз шу пайтгача уйган "оқ олтин" хирмони эса икки миллион тоннадан ошди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг олти ойлик якунларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари ер, сув, энергетика ресурсларидан фойдаланишда содир этилган қонунбузарликлар, талон-торож ва бошқа салбий ҳолатларнинг зудлик билан олдини олиш зарурлигига эътиборни қаратган эди. Ҳисобот даврида ердан фойдаланиш билан боғлиқ 18 мингдан ортиқ ҳолатда қонун бузилиши ҳоллари аниқланиб, айбдорларга нисбатан жами 12 миллион 472 минг сўм жарима солинди.

Мажмуа тизимидаги вазирлик ва идораларнинг дебитор ва кредитор қарзлари ўтган йилнинг шу даври, шунингдек, жорий йилнинг дастлабки ойларига нисбатан бирмунча пасайгани кузатилган бўлса-да, уларнинг миқдори юқорилигича қолмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

Хусусий сектор одимлари

## Бюджет Баракаси

Учқўрғон — Наманган вилоятининг давлатдан дотация олмай ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаётган ягона қишлоқ тумани. Иқтисодиётнинг барча жабҳасида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги, айниқса, мулкчиликнинг нодавлат шакли жадал тараққий этаётганлиги туман бюджети барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қўғай қишлоғида бутун вилоят аҳли яхши биладиган "Шодлик" фермер хўжалиги бор. Қишлоқнинг қай бир фуқаросидан сўраманг, унинг раҳбари ҳақида фахрланиб "Нексия"сини ғизиллатиб юрган Салимбойми?" дейишади. Янги ўзбек бойи 34 ёшда. Унинг отаси ҳам деҳқон ўтган, бироқ косаси оқармаган. Истиқлол шарофати туфайли каттагина ерда деҳқончилик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган оиланинг тўрт ўғлони отаси минмаган уловни минди, данғиллама уйлар солди, ҳамёнини пулга тўлдириб, ўзидан ортганини қишлоқни ободонлаштиришга, ундан ҳам ортганини эҳтиёжманд кишиларнинг кам-кўстига ажратадиган бўлди.

— Собиржоннинг кенжатойи Салимбой жуда уддабурон чиқди-да, — дейди қўғайлик саксон ёшли Шокир ота Зокиров оппоқ соқолини силаганича. — Қўли очиқлигини айтинг. Бултур 10 тонна ғаллани қўни-қўшниларга ҳадя қилганди, бу йил нақд 20 тонна тарқатди-я! Қишлоқдаги қайси уйда нон ёпилмасин, боболар аввал уни дуо қилишади. Менга ҳам юз кило берди. Кўрганимда, "Бизга бирни берсанг, Худо сенга ўнни берсин", дея алқайман.

"Шодлик" далаларида ғалла бўлиб-битганидан улар кўпчиликни сийлашган-да.

— Шартномадан ортгани 70 тонна бўлди, ака, — қувончини тўкиб солади фермер йигит. — Ака-укалар, қариндош-уруғлар бир йилга етадиганини омборимизга босдик. Бир қисмини сотдик. Қолганини нима қилардик, одамларга тарқатдик-да. "Мана, сенга ер, олган даромадинг ўзингники" дея имконият яратиб бермаганларида бундай ҳотамтойлик қаёқда эди?!

Салимбой мустақиллик меваси бўлган фермерлик ҳаракатини Учқўрғонда биринчилардан бўлиб бошлаган. Аввалига чорвачилик билан шуғулланди. Ўшанда 15 бош сигирию 5 гектар ери бор эди. Қорамоллари уч йилда 60 бошга етиб, ери 16 гектарга кенгайди. Тўқсон бешинчи йилда пахтачиликка ҳам қўл урди. Якунда дурустгина ҳосил кўтариб, пахтаси қайта ишлангач, ёғи рўзғорига, кунжара ва шелухаси молларига асқотди.

Бугун туманда "Шодлик"нинг олдига тушадигани йўқ. 750 бош қорамоли бор. Юз боши соғилади. Ҳар бошидан кунига 10 литрдан сут олинади. Намангандаги "Нестле" Ўзбекистон–Швейцария қўшма корхонаси билан шартнома тузган. Ўтган ойлар ичида 400 тонна серқаймоқ сут топширди. Бу туман бўйича топширилаётганининг ярмига тенг. Фермада 45 киши ишлаяпти. Барининг қорни тўқ, рўзғори бут. Сабаби – маошини вақтида олади, қўшимча даромадлари етарли. Фермер бир литр сутни 100 сўмга етиштириб, 130 сўмдан сотаяпти. Ҳисоб рақамига шунинг ўзидан кунига 260 минг сўм тушади.

— Ният пок бўлса, меҳнатдан қочмасангиз, барака ёғилаверар экан, — кўнглидагини сиртига чиқаради Салимбой. — Бултур пахтадан 4 миллион сўм соф фойда кўтардик. Ғалла, чорваники қўшилиб 10 миллион сўмга етди. Ҳайдов, чопиқ тракторларим, комбайнларим бор. Хўжалигимда 95 киши ишлайди. Улар ортида салкам 500 киши тирикчилик қилади.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:**
**Айни кунда туманда 282 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар 2935 гектар ерга чигит, 910 гектар майдонга ғалла экиб, туман бўйича жами пахтанинг 28, ғалланинг 17 фоизини етиштиришаяпти. Чорвачилик билан шуғулланаётган 24 фермер йилнинг ўтган ойларида 500 тоннадан ортиқ сут, 31 тонна гўшт тайёрлади. "Шодлик" фермер хўжалиги туманда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди. Ҳ.Нишонов раҳбарлигидаги "Асилбек" фермер хўжалиги эса 3,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалини бажариб, валюта ишлай бошлади.**

"Сардор" кўп тармоқли хусусий фирмаси туманда қурилиш соҳасининг чинакам сардори. Улар қурган Қайқи қишлоғидаги 450 ўринли маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи биноси ташқи кўринишининг кўркамлиги, меъморий ечими ва сифати жиҳатидан вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, жамоа ўтган йил якунига кўра, республикада биринчи ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда).

*Иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари — ҳудудий комиссиялар раислари иштирок этди.*

## ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси К.Тўлаганов бошқарган ушбу мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг республика иқтисодиёти тармоқларини 2002-2003 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашга қаратилган қарори жойларда қандай бажарилаётгани билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда жойларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари, барча тармоқлар, ташкилотлар ҳамда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, лицей, коллеж, касалхоналарнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, катта қувват билан ишлайдиган қозонхоналар, электр станциялари, иссиқхоналар деярли капитал таъмирдан чиқарилди. Бу борадаги кўрсаткич республика бўйича ўрта ҳисобда 90-95 фоизни ташкил этади.

Мактабларни кўмир билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирга қадар уларнинг қарийб 80 фоизи кўмир билан таъминланган. Октябрь ойи охиригача бу иш ниҳоясига етказилади. Бунинг учун етарли кўмир захираси мавжуд.

Мажлисда ҳудудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига кузги-қишки мавсумга тайёргарликни янада кучайтириш, мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал этиш вазифаси юклатилди.

(ЎзА)

## Демократик ислоҳотлар ва маънавият

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида тараққиётимизнинг янги босқичи вазифалари, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари аниқ ва равшан белгилаб берилди. Бу эса ҳар жиҳатдан етук, маънавиятли ва маърифатли, баркамол шахсни тарбиялаш бўйича ишларни узлуксиз олиб боришни тақозо этади.

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида демократик ислоҳотлар ва маънавиятга бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди. Юртбошимизнинг зикр этилган маърузасида бу борада ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган ишларнинг ижросини тезлаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Э. ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Ахборот

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги дин ва жамоат ташкилотлари мажмуаси бош мутахассиси Отабек Шодиев фуқаро М. Ориповни ҳаж сафарига борувчилар гуруҳи раҳбари этиб тайинлаш эвазига ундан 300 АҚШ доллари ва 50000 сўмни пора тариқасида олганида ушланиб, суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Сурхондарё вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Рустам Бегалиев Жарқўрғон тумани нефть маҳсулотлари корхонаси бош оператори бўлиб ишловчи Ю. Фармоновни аттестациядан ўтказиш эвазига пора тариқасида 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Чирчиқ шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош нозири Зокиржон Дониёров тамагирлик йўли билан тадбиркор Х. Ҳакимовдан 100 АҚШ доллари ва 220.000 сўмни пора тариқасида олганида ушланиб, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқарилган.

Тадбирлар давом этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**Матбуот маркази.**

Обуна 2003

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун?
Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз

— *ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,*
— *икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,*
— *дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,*

**«Халқ сўзи»**га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз – 229



«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил варағи»):
http: //mtu. uzpak. uz/ uzbek. html

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фоизигача ҳақ тўланади.
Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

# Бюджет баракаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Сардор"нинг етакчилари пудрат савдолари тендерида дадил қатнашади. Боиси – ҳар қандай миқёсдаги иншоотни қуриш учун кучи ҳам, имкониятлари ҳам етарли. Минорали ва автокўтаргичлари, юк ва йўловчи ташийдиган 4 та "КамАЗ"и, "Газ-52" машиналари, трактор, бетон қорувчи –механизмлари, 300 дан ортиқ ишловчиси бор. Тоза ва сифатли қуриш хусусий фирма бинокорларининг бош шиори. Шунданми, унинг буюртмачилари бисёр. Кейинги икки йилда Қайқидаги касб-ҳунар коллежи биносидан ташқари Халқ банки, хўжалик суди, ички ишлар бўлими биноларини қурди. Энди яна битта коллеж, вилоят санитария-эпидемиология станцияси биноларини тиклаш навбатда турибди.

— Шу йилнинг апрелида Янгиер қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи биноси қурилишини тендерда ютиб олдик, — дейди фирманинг техник директори Нурали Шералиев. – Иншоотда сўнгги пардозлаш ишлари кетяпти. Ютуғимиз шундаки, қурувчиларимиз 5-6 талаб турдош касбни эгаллашган. Ғиштни териб бўлдими, сувоққа уннаб кетаверади. Сантехникадан бошқа барча юмушни ўзимиз уддалаймиз.

Коллежда қурилиш-монтаж ишларининг ўзи учун 710 миллион сўм маблағ ўзлаштирилмяпти. Бу кичик рақам эмас ва ишни нодавлат шаклидаги корхона бажариб беряпти.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: Учқўрғонда қурилиш соҳасининг байроқдори сифатида хусусий сектор майдонга чиқмоқда. Буни "Сардор", "Усто", "Барс" сингари тадбиркорлик жамоалари тумандаги қурилиш-монтаж ишларининг 60 фоизини уддалаётганидан яққол билиб олиш мумкин.**

Тадбиркорлик тузилмаларининг оёққа туриб олиши учун, аввало, нима зарур? Биринчи навбатда – молиявий ёрдам.

— Банкрот, деб эълон қилинган Кўғай ғишт заводини сотиб олиш мақсадида "Миллий банк"нинг туман бўлимига кредит сўраб мурожаат қилдик, — дейди "Камалак" хусусий корхонаси раҳбари Қосимхон Хўжахонов. — Бизнес лойиҳамизни маъқуллаб, 15 миллион сўм ажратишди. Уни олганимизга етти ой бўлди. Сал бўлмаса, бекорчига айланган 36 киши яна муқим иш ўрнига эга. Ишлаб чиқариш тўла тикланди. Кунига 40 минг дона пишган ғишт тайёрлаяпмиз. Кредитимизни тўрт ойда қопладик. Йил охиригача яратиладиган фойдамиз ҳисобига мулк бутунлай ўзимизга ўтади.

"Қурилиш-2002" хусусий корхонаси ҳам банкнинг 15 миллион сўмлик молиявий мадади билан асфальт тайёрлашни йўлга қўйди. Бундай мисоллар анчагина. Мазкур банк мижозлар, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда бошқаларга намуна. Унинг 261 мижозидан 218 тасини тадбиркорлик тузилмалари ташкил этади. Агар банк ўтган йилнинг саккиз ойида мижозларга 83 миллион 474 минг сўмлик молиявий ёрдам кўрсатган бўлса, амалдаги йилда бу миқдор кескин ортиб, 140 миллион сўмга чиқди. Унинг 82 миллион сўми имтиёзли, 21 миллион сўми эса банкнинг ўз маблағи ҳисобидан.

— Кейинги икки-уч ойнинг ўзида ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган етти мижозимизга 34 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик, — дейди молиявий муассаса бош мутахассиси Н.Хўжахонов. — Улар кам фоизли қарз билан жуда юқори самарадорликка эришишлари турган гап. Кредит портфелимизда атиги иккита ариза қолганлигини айтсам, мижозлар талаби қай даражада қондирилаётганлигини ўзингиз тушуниб оласиз.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: Шу йилнинг 1 августига қадар тумандаги тижорат банклари томонидан 44 та тадбиркорлик субъектига 87 миллион 60 минг сўм кредит берилди. Унинг 5 миллион 410 минг сўми "Бизнес-фонд", 7 миллион 800 минг сўми "Бандлик" жамғармаси ҳисобига, қолган қисми банк ресурслари ҳиссасига тўғри келади.**

Ҳар бир янги тузилган тадбиркорлик жамоаси – янги-янги иш ўринлари, дегани. Туманда фаолиятини йўлга қўйган фермер хўжаликлари, кичик корхона, микрофирмаларнинг "Бандлик" дастури ижросида ўзига хос ўрни бор. Масалан, маиший хизмат кўрсатиш ёки умумий овқатланиш йўналишидаги чоғроққина фирманинг ишга тушиши камида ўн кишига меҳнат дафтарини очиш имконини яратади. Шу тариқа ижтимоий муаммолардан бири бўлган ишсизликни босқичма-босқич ечишга муваффақ бўлиняпти. Чунончи, меҳнат бўлими томонидан ўтган йилнинг саккиз ойида 2600 нафар фуқаро расман ишсиз сифатида рўйхатга олинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида улар сони 1150 кишини ташкил этди. Ёки амалдаги йилнинг ўтган ойларида 2491 ишчи ўрни яратилди. Унинг асосий қисми иқтисодиётнинг муқобил тармоқларини, корхоналарда қувватларни ошириш, янги биржа ва кичик корхоналар очиш ҳисобига шакллантирилди.

Кўриниб турибдики, Учқўрғонда мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес соҳиблари, лўнда қилиб айтганда, хусусий секторнинг нуфузи ва таъсири тобора ортиб бораётир. Эркин иқтисодиёт тамойиллари изчил жорий этилаётганлиги боис бугун туманда 2346 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан йилнинг саккиз ойида 43,7 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 27,3 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 4427,6 миллион сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, 385,4 миллион сўмлик пуллик, 234,3 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси туман иқтисодиётининг, биринчи навбатда маҳаллий бюджетнинг барқарорлашувида муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, биринчи ярим йилликда маҳаллий бюджет даромадлари режаси 1 миллиард 872 миллион 752 минг сўм ўрнига 2 миллиард 23 миллион 286 минг сўмга бажарилди. Айни шу даврда ижтимоий нафақалар тўлови 1 миллиард 198 миллион 638 минг сўмни ташкил этганини эътиборга олсак, туман ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш йўлидан қатъий бораётгани, бюджет шаклланишида хусусий секторнинг улуши ҳам кун сайин ортаётгани ойдинлашади-қўяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Халқаро анжуман

*Шу йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида «Радиоизотоплар ва уларнинг қўлланилиши» мавзуида III-Халқаро конференция бошланди. Уч кун давом этиб, бугун ўз ишини якунлайдиган бу илмий-амалий анжуманда республикамиз олимларидан ташқари АҚШ, Германия, Туркия шунингдек, Россия, Украина ва бошқа МДҲ давлатларининг мутахассислари ҳамда олимлари иштирок этмоқда.*

# Радиоизотоплар: кеча, бугун, эртага

Аввало, шуни айтишимиз керакки, анжуман Ўзбекистоннинг Ядро физикаси институти ташаббуси ва саъй ҳаракати билан ташкил этилди. Шу боис, бу институт тўғрисида газетхонларимизга қисқача маълумот.

Мазкур институт Марказий Осиёдаги энг йирик илмий тадқиқот марказларидан бири ҳисобланади. Мана, 46 йил бўлдики, бу ерда қизғин илмий-амалий фаолият олиб борилмоқда. Институт бағридан таниқли физик олимларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Бу ерда турли даражадаги энергиялар физикаси, ядро спектроскопияси, радиация физикаси, қаттиқ жисмлар ва металлшунослик физикаси, активацияли таҳлил, радиокимё, радиоизотоплар ишлаб чиқариш технологияси, илмий асбоб-ускунасозлик соҳалари тадқиқотчилиги бўйича илмий мактаблар пайдо бўлди.

Институт ютуқлари дунё миқёсида машҳур. Бу даргоҳда ишлаётган олимлардан 60 нафардан кўпроғи халқаро жамғармалар грантлари совриндори, Европа физика жамияти, Буюк Британия қироллик жамияти ҳамда машҳур олимлар номидаги стипендиялар соҳиби эканлиги сўзимизнинг далилидир. Институт жаҳондаги 20 дан ортиқ ядро илмий марказлари билан икки томонлама шартномалар тузган.

Институт нафақат фундаментал-назарий йўналишларда, шу билан бирга, амалий йўналишларда ҳам кенг кўламда иш олиб боряпти. Республикамиз учун янги, шу жумладан, юксак технологияларни яратиш, технологик параметрлар ва жараёнларни яратиш ҳамда уларни назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича ғоятда самарали тадқиқотларни йўлга қўйган.

Институтнинг асосий фаолият йўналишларидан бири – радиоактив изотоплар ва дори-дармонларнинг кенг номенклатурасини яратиш, улардан фан-техникада ва айниқса, тиббиёт соҳаларида фойдаланиш муаммоларини ҳал этишдир. Бу борада институт катта ишларни амалга ошириб, радиоизотоп маҳсулотлари билан шунчаки ички бозорни таъминламоқда, балки бундай маҳсулотларни кўпгина хорижий давлатларга ҳам экспорт қилаётир. Улар ўзининг аъло сифатли эканлиги билан нафақат рақобатбардош бўлиб қолмай, балки жаҳон бозорида энг юқори андозаларга айланмоқда.

Худди шундай жиддий сабабларга кўра ҳам, радиоизотоплар ва улардан фойдаланиш масалаларига бағишланган учинчи Халқаро илмий-амалий анжуман бизнинг республикамизда бўлиб ўтаяпти.

Конференция радиокимё ва радиоизотоп маҳсулотлар; радиоизотоплар биологияси, генетикаси, улардан қишлоқ хўжалигида ва табобатда фойдаланиш; радионуклидлар ва атроф муҳитдаги микроэлементлар; радиоизотоплар ҳамда ядро асбоб-ускунасозлиги жиҳозларининг саноатда ва табобатда қўлланилиши, радиация хавфсизлиги масалалари каби тўрт йўналишда ўтмоқда.

Муҳими шундаки, унинг ишида республикамиздаги йирик саноат корхоналари, бошқа соҳалар мутахассислари ҳам иштирок этмоқда. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинатининг бир гуруҳ мутахассислари ядро усулларининг таҳлилий мақсадлар ва технологик жараёнларни бошқаришда қўлланилиши мавзусида қизиқарли ва фойдали маърузалар билан қатнашдилар. Анжуманда республикамизнинг йирик тиббий илмий-тадқиқот институтлари ва клиникалари вакиллари ҳам иштирок этишиб, радиоактив изотоплардан даволаш амалиётида ва касалликларни ташхислашда қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида чиқишлар қилишди. Бир неча маъруза экология ва атроф-муҳит мониторинги масалаларига бағишланди.

Анжуманда қатнашчилар томонидан атмосферада атом синов портлатишларининг кейинги оқибатлари, Марказий Осиё дарёларида ўтказилган радиацион мониторинг, Тошкент метролари ҳавоси таркибидаги радон концентрацияси муаммоларига бағишланган маърузалар ҳам тингланиб, улар қизғин муҳокама этилмоқда.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

# Чўл шунқорлари

Антик тарихчи Аррианнинг ёзишича, Искандар Зулқарнайн Туронзаминни ишғол қилганда, Ватан ҳимоячиларидан бир қисми асирга тушади (уларнинг аксарияти чўпонлар эди). Жаҳонгир уларни қатлга буюради. Шунда нуроний бир киши Искандарнинг ҳузурига келиб, олтиндай товланиб, камалакдай жилоланаётган мўйнани қўйнидан чиқариб узатади. Бу мўъжиза — мўйнани кўрган Искандар Зулқарнайн барча асирларни тутқунликдан озод этади ва Қоракўл қўйларининг зотини сақлаб қолишни буюради. Ажабмас, антик юнон шоири Ҳомергача ҳам айнан бизнинг тиллойи сурларимиз ҳақидаги ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб, етиб борган бўлса-ю, «Олтин мўйна» иштиёқмандларига бағишланган, саргузаштларга бой «Илиада» ва «Одиссея» шоҳ асарларини ёзган бўлса...

Нима бўлганда ҳам, юртимизнинг тиллойи сурини, зангори шерозисини, камалакдай кўзни қамаштирувчи антиқасини бир кўрган киши умрбод серфайз заминимизнинг ошуфтаси бўлиб қолади.

* * *

Баъзилар чўпонлик касбини ширвоз гўштига тўйиб, отар кетида най чалиб кун ўтказадиган, романтикага бой касб деб ўйлайди. Аслида бундай эмас. Чўпонлик ниҳоятда машаққатли касб.

Тақдирнинг тақозоси билан бундан роппа-роса йигирма йил аввал чўлга бордим. Ўшанда илк баҳор ниҳоятда совуқ келиб, барча дов-дарахтни сангча қоплаган, чорва оғир аҳволга тушган эди. Собиқ ижроқўм раиси Мўмина опа Сувонова чўлга ҳаким сўраганида, мени тавсия этишибди. Жомадонни дори-дармонга тўлғизиб, йўлга отландим. Йўллар сирпанчиқ, «УАЗ» автоуловида бўлишимизга қарамай, тошбақа юриш қилиб Газов, Раматбобо, Ёқочўйиқ орқали Қоронғишўр масканига кечга қадар аранг етиб бордик. Совуқ забтига олди. Қўшнинг муздай хонасида тонггача дийдираб чиқиб, эрталабдан чўпонлар ҳолидан хабар олишга отландик.



Узоқ Учқирдаги қўшлардан бирига борганимизда, чўпонлар тушлик қилишаётган экан. Мардхонага бизларни ҳам таклиф этишди. Мардхонани кўрганмисиз? Агар бирров кўрмаган бўлсангиз, сира тасаввур қила олмайсиз. Шунақа шароитда инсон боласи яшай олади, деб ўйламайсиз ҳам. Қумтепани қоқ ёриб қилинган ертўла, атроф-томи юлғун-саксовул билан тўсиб, қум оқмаслик учун ораларига саланг тиқилган. Ўртада ёнаётган гулхан... Ўшанда илк бор чўпонлик машаққатларини кўрганман ва чўл шунқорлари Абдулла Жумаев, Шодмон Қорбостиев, Нурмамат Жумаев ҳақида «Қиш қаҳрини енгаётганлар» очеркини ёзганман...

* * *

Абдулла бобо Жумаев билан ўшандан буён ота-боламиз. Тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб тураман. Ахир чўпонликни миридан-сиригача биладиган саксондан сакраган отахонларимиз бармоқ билан санагулик-да! Абдулла бобони йўқлаб борганимда, бирпасда хонадонлари тўйхонадай гавжум бўлди-қолди. Тўкин дастурхон атрофида бобони гурунгга ундайман.

— Ота-онадан етти оғайни эдик, худога шукур, ҳозирда ўғил-қизларимиз, набира-чабираларимиз юздан ортган. Ҳозир 83 ёшдаман, етти ёшимдан буён ҳаётим чўл билан боғланган. Авваллари тўл мавсумида чўлга бутун бошли оилаларимиз билан кўчиб чиқардик, хотин-халажлар қўй-эчки соғарди, айрон чолиб, маска оларди. Биз, болалар чўпонларга чўлиқлик қилардик. Барот акамнинг ёнида юриб бу касбнинг сир-асрорини ўргандим. Кейин жияним Нурмамат қанотимга кирди. Кейинчалик сафимизга Бобораҳмат, Омон, Абдураҳмон, Исмат, Олимлар қўшилди, – дейдилар.

— Қоракўлчиликнинг оғир дамлари қачон бўлган? — сўрайман яна.

— Қоракўлчиликнинг энг оғир даври «СЖК», деган балолар чиққан йиллар эди. Ўшанда «СЖК»нинг касофатидан қулундай қўйларимиз майдалашиб, насли айниш даражасига бориб етди. Худога шукур, мустақиллигимиз шарофати билан ота-боболаримиздан қолган барча анъаналар тикланди, ҳеч ким бизга зуғум қилмайди. Етмиш йилдан ортиқроқ отар кетидан чўл кездим. Лекин ҳозиргидай эркин замонни кўрганим йўқ. Қўйларимизнинг насли яхшиланди, режа изидан қувмаймиз. Ҳозир ҳам ўғилларим, жиянларим чорва билан шуғулланади. Ўғлим Абдураҳмон оддий чўпонликдан Қоракўл туманидаги «Қоракўл» ширкат хўжалигининг раиси бўлди. Бир пайтлар ўзингиз кўрган «мардхона»ларда яшаган бўлсак, ҳозирда кошонадай ҳовлиларда яшаяпмиз, меҳнат қиламан деганга йўл очиқ. Меҳнат қилган роҳатини кўради, ана, қаранг, чўпон бўладими, чўлиқ бўладими, ҳар бирининг тагида биттадан-иккитадан енгил мошин, хоҳласа, «Нексия» минади, хоҳласа, «Тико». Бу кунлар ҳеч бир кишининг етти ухлаб тушига кирмаган. Ҳали бундан кўра ўн чандон фаровон замонлар келади, бунга ишонаман.

Ушбу хонадондан бир олам таассуротлар билан қайтдим. Мустақилликнинг шарофати билан меҳнатига яраша қадр топаётган чўпонларга юз чандон ҳавасим келди.

**Муҳаммад ПИРРИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

# Ҳимматли чорвадорлар

"Чорвадор" Чироқчидагина эмас, Қашқадарё вилоятида ҳам донгдор хўжаликлардан саналади. Хўжалик аъзолари ғаллачиликдан ҳам, чорвачиликдан ҳам яхши даромад қилдилар. Хирмонлар тоғ, кўнгиллар чоғ бўлди. Ана шу кўнгилчоғлик қишлоқ аҳлию ўқувчиларга ҳам кўчди. Сабаби — хўжалик ҳудудида ҳашар йўли билан мактаб қурилди. Ўқувчиларга ўқув қуроллари сотиб олинди. Мактабни жиҳозлаш учун кетадиган парта, стол-стул, китоблар хўжалик маъмурияти ҳисобидан сотиб олинди. Мана буни ҳиммат деса бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

Миллий дастур ниҳоллари

*Гўзал ва навқирон Навоий шаҳри ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб бораяпти. Яқинда Ғалаба шоҳкўчасида бир-бирига туташ, бир-бирини тўлдириб турувчи икки муҳташам бино қад ростлади. 1100 нафар ўқувчига мўлжалланган бу таълим муассасаси санъат йўналишидаги ёш кадрларни тарбиялаб етиштиради.*

*Унинг ёнидаги 300 ўринли ётоқхона янада бежирим, барча қулайликларга эга. Муҳими, хоналарда ҳам талабаларнинг мустақил санъат асбоб-ускуналари билан ошно бўлишларига имконият яратилади.*



# САНЪАТ КОШОНАСИ — ЁШЛАРНИКИ!

Коллеж биноси замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги анъаналари асосида бўй чўзди. Ўқув биносида рақс, концерт, спорт заллари, кутубхона, ошхона, буфет ва бошқа зарур шарт-шароитлар мавжуд.

— Коллеж қурилиши пудратчилигини «2000-трест» бунёдкорлари ва «Навоийжамоақурилиш» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўз зиммаларига олишган эди, — дейди вилоят ҳокимлиги қурилиш мажмуи раҳбари Фахриддин Хрочев. – Бу ерда 2 миллиард 300 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Мажмуани бунёд этишда вилоятдаги энг моҳир қурувчилар, уста меъморлар, мармарсозлар, пайвандчию мебелчилар иштирок этишди. Куни кеча қурувчилар ишни туғаллаб, навбатни хоналарни жиҳозловчиларга беришди. 5-6 кун ичида бино ёшларни ўз бағрига олади.



СУРАТЛАРДА: *коллежнинг умумий кўриниши ва электр ёритгичлар устаси Хушназар Абдуллаев.*

Бир-биридан гўзал, ораста, чиннидай ярақлаган хоналар, залларни кўздан кечириб, мустақил юртимизда эртамиз эгалари, жумладан, санъат мутахассислари учун нақадар ғамхўрлик кўрсатилаётганлигига имон келтирдик. Қаранг, кўпчилик хоналар 1-2 талаба билан алоҳида машғулотлар ўтказишга мўлжалланган.

— Юртбошимизнинг санъат ва санъаткорларга меҳр-муҳаббатини қалбдан сезиб турибмиз, — дейди коллеж директори, таниқли санъаткор Фазлиддин Бўронов. — Шаҳримизнинг қоқ марказида йирик санъат коллежининг ишга туширилиши бунга яққол далил. Вилоятдаги 375 та умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаб, ушбу даргоҳга қадам қўяётган ўқувчилар хореография, рақс, анъанавий ижрочилик, халқ чолғу асбоблари, фортепиано, тасвирий санъат, кутубхоначилик, оммавий байрам тадбирлари мутахассислари каби инсон оламига йўл кўрсатувчи мутахассисларни эгаллаб чиқадилар. Қалблари эзгуликка ошуфта ўғил-қизлар бу ерда ўзбек миллий ва эстрада ҳамда жаҳон мусиқаси сир-асрорларини ўрганадилар.

Дарҳақиқат, истиқлол ғояларини халққа янада чуқурроқ сингдириш, баркамол инсонни вояга етказишда, ёшларни фидойилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда санъатнинг ўрни беқиёс. Куй-оҳанг чегара билмайди. Санъат, мусиқа қалбларни-қалбларга туташтиради. Миллий маданиятимизни тарғиб этади. Эрта-индин бу ерда истиқлолни тараннум этувчи шеър, мусиқа ва қўшиқлар баралла янграйди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**(суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# «Ҳамдўстлик» аёллар клуби

Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Ҳамдўстлик" аёллар клубининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда дипломатик корпус вакиллари, вилоятдаги шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, дунёдаги глобаллашув жараёни ҳамда бугунги жамият ҳаётининг жўшқин суръати одамлар ўртасидаги ҳам шахсий, ҳам ижтимоий муносабатларнинг янгича шакли ва ташкилий тузилмаларини талаб қилмоқда. "Ҳамдўстлик" аёллар клуби шундай янгича тузилмалардан бири.

Мазкур клубни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад — ўзбек аёлларини дунё маданияти, турли мамлакатлардаги аёллар ҳаёти, турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари, жамият ривожидаги иштироки билан янада яқинроқ таништириш, шу билан бирга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда хотин-қизларимиз эришаётган ютуқлар, аёлларни эъзозлаш билан боғлиқ миллий урф-одат ҳамда қадриятлар, хотин-қизларнинг оиладаги ўрни ва жамиятдаги бугунги кундаги мавқеи ҳақидаги ахборотларни жаҳонга кенг ёйишдан иборат. "Ҳамдўстлик" аёллар клуби нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан АҚШ, Франция, Украина, Россия, Индонезия элчихоналари вакиллари ва бошқалар мазкур клуб Ўзбекистоннинг маданий мероси, ўзбек аёлларининг бугунги кунда эришаётган ютуқларини кенг оммалаштириш билан бирга, турли халқаро ва маҳаллий хотин-қизлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларини кенгайтириш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутажагини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова иштирок этди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Америкалик профессор "Кўҳинур"га келди

Жиззахлик тадбиркор Сайёра Ҳамидова АҚШ давлат департаментининг таклифига биноан бир ой мобайнида Қўшма штатларда тажриба ўрганиб қайтди. Ва у ерда Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон хотин-қизлари ҳаётини ўрганаётган Сиэтл университети профессори Диана Перс билан танишиб юртимизга таклиф қилган эди.

Яқинда америкалик профессор Жиззахга келиб, "Кўҳинур" кўп тармоқли фирма фаолияти билан танишди. Уларнинг қисқа вақт мобайнида амалга оширган улкан ишлари, 300 нафардан зиёд хотин-қизларга бичиш-тикиш, пазандалик сирларини пухта ўргатиш билан бир қаторда беш нафар қарияга доимий ҳомийлик қилаётгани америкалик профессорни ҳайратлантирди.

— Ўзбекларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари менинг эътиборимни тортди. Ўзбекона урф-одатлар, анъаналар ёзилажак китобимдан алоҳида ўрин эгаллайди, — дейди профессор.

**Бекзод САТТОРОВ.**




# ЯНА БИР ДАДИЛ ОДИМ

*Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида Жаҳон миллий ўйинлар фестивали ниҳоясига етди*

Бу йил бешинчи марта ташкил этилган мазкур нуфузли фестивалда мамлакатимиз полвонлари учинчи бор ўзбек курашининг жозибасини намойиш этди. Бир ҳафта давом этган анжуманда 31 мамлакатдан эллик жамоа иштирок этди. Биргина Жанубий Кореянинг ўзи ўнга яқин миллий ўйинини тақдим қилгани анъанавий фестиваль нима учун ҳар йил кузда айнан шу ерда ўтказилишидан дарак беради.

Чунгжу Жанубий Кореянинг марказида жойлашган шаҳарлардан бири. Қизил олма бу шаҳарнинг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Шунинг учун бўлса керак, чунгжуликлар бу ерга келган меҳмонга, аввало, ана шу мевадан ҳадя этади. Вазни бир килограммгача етадиган бу мева ўзига хос таъми билан ҳам ажралиб туради.

Японларнинг каратэ, корейсларнинг таэквандо, хитойларнинг у-шу ва ўзимизнинг кураш дунёда эътироф этилган миллий спорт ўйинлари саналади. Худди шунингдек, ҳали халқаро миқёсда тан олинмаган бўлса-да, ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўйинлари, яккакурашлари бор. Капоера (Бразилия), силат (Малайзия), арнис (Филиппин), трюнта (Молдова) ва бошқалар фикримизнинг далилидир. Чунгжу фестивали ана шундай миллий ўйинларни ҳар йили бир жойга жамлайдиган ягона анжумандир.

Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари катта байрамга айланиб кетгани мезбонлар бу тадбирга яхши тайёргарлик кўрганидан далолат беради. Чунгжу ҳокими Си Жонг Ли 31 мамлакат вакилларини корейс заминида кутлаётганидан, фестивал қамрови йилдан йилга кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди.

Чунгжу фестивалининг биргина шарти бор. Нечта жамоа тўпланишидан қатъи назар, улар ўзаро беллашмайди. Аксинча, ҳар бир жамоа ўз спортини кўргазмали чиқишлар орқали намойиш қилиши керак. Бундай чиқишлар эса томошабинлар томонидан баҳоланади. Махсус тахтачага айлана шаклида белги қўйилади. Уларни ҳисоблаб чиқдик. Кураш устунидаги белгилар миқдори капоера ва тэкингдан (Жанубий Корея) кейин учинчи ўринни кўрсатди.

Бу ҳам, ўзбек курашининг байрами Чунгжудан ташқари Ансонг ва Суамбода шаҳарларида давом этгани ҳам Жанубий Кореяда миллий спортимизга қизиқиш катта эканидан далолат беради. Фестиваль дастури сифатида чоп этилган китобчада эса курашдан бошқа миллий ўйинлар тасвирланган суратларни учратмайсиз. Айниқса, ёш полвонлар — Илҳом Шералиев ва Иброҳим Каримов ижросидаги кураш усулларини минглаб томошабинлар давомли олқишлар билан қарши олди.



Фестиваль дастури доирасида барча қатнашчи мамлакатлар иштирокида Жаҳон жанговар санъатлар уюшмаси тузилди. Энг муҳими шундаки, ушбу уюшманинг раҳбарияти кўпчилик овоз билан Ўзбекистон делегацияси таклиф қилган рўйхат бўйича тасдиқланди.

Шу кунлари XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтаётган Пусан шаҳрида кураш ривожи билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа юз берди. Халқаро миқёсга чиққанига эндигина тўрт йил бўлган ўзбек кураши 2006 йили Қатарда ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига киритилди.

— Бу миллатимиз ғурури бўлган курашнинг яна бир дадил одими, — деди Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов. — Энди навбат Олимпиада ўйинларига.

Ҳа, навбат Олимпиадага. Бу орзу ҳам яқин йилларда амалга ошса, ажаб эмас. Чунгжу фестивалини кузатган киши ана шундай қарорга келиши табиий. Кураш шиддати ва инсонийлиги, фалсафаси ва қадим тарихи билан яна кўплаб спорт ихлосмандларининг эътиборини қозонди. Унинг жаҳон бўйлаб бундай дадил юриши давом этмоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Чунгжу-Тошкент**

СУРАТЛАРДА: *фестивалдан лавҳалар.*

# ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМЛАРИ

томонидан чиқарилган "Умид" пул-ютуқли хайрия лотереяси бўйича
2002 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 160 млн. сўмлик 326500 та пул ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларига эга бўлган билетларига ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 003789, билет рақами 040 бўлган лотерея билетига 5000000 сўм пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган. Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам худди шундай тартибда ўйналган. Серияси ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди.**

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 000002 | 023*) | 1000 |
| 000009 | 1-100 | 300 |
| 000011 | 065*) | 1000 |
| 000014 | 1-100 | 500 |
| 000019 | 006*) | 5000 |
| 000037 | 1-100 | 500 |
| 000040 | 1-100 | 300 |
| 000051 | 1-100 | 300 |
| 000058 | 1-100 | 500 |
| 000060 | 022*) | 1000 |
| 000061 | 1-100 | 300 |
| 000064 | 072*) | 5000 |
| 000066 | 1-100 | 300 |
| 000083 | 013*) | 1000 |
| 000094 | 1-100 | 300 |
| 000097 | 037*) | 25000 |
| 000098 | 068*) | 5000 |
| 000100 | 079*) | 1000 |
| 000102 | 1-100 | 400 |
| 000103 | 1-100 | 300 |
| 000104 | 014*) | 1000 |
| 000110 | 004*) | 3000000 |
| 000111 | 094*) | 5000 |
| 000121 | 1-100 | 300 |
| 000122 | 017*) | 5000 |
| 000124 | 079*) | 1000 |
| 000126 | 066*) | 10000 |
| 000135 | 1-100 | 400 |
| 000139 | 082*) | 1000 |
| 000143 | 018*) | 5000 |
| 000145 | 043*) | 5000 |
| 000149 | 098*) | 1000 |
| 000150 | 1-100 | 300 |
| 000154 | 012*) | 5000 |
| 000156 | 1-100 | 300 |
| 000160 | 093*) | 1000 |
| 000161 | 066*) | 1000 |
| 000168 | 042*) | 1000 |
| 000170 | 1-100 | 500 |
| 000172 | 1-100 | 400 |
| 000180 | 009*) | 5000 |
| 000183 | 1-100 | 300 |
| 000189 | 021*) | 50000 |
| 000190 | 1-100 | 500 |
| 000191 | 1-100 | 400 |
| 000204 | 1-100 | 400 |
| 000212 | 1-100 | 400 |
| 000220 | 1-100 | 500 |
| 000228 | 011*) | 5000 |
| 000232 | 1-100 | 300 |
| 000250 | 068*) | 1000 |
| 000253 | 1-100 | 400 |
| 000255 | 084*) | 5000 |
| 000262 | 1-100 | 300 |
| 000263 | 082*) | 1000 |
| 000273 | 1-100 | 300 |
| 000274 | 019*) | 1000 |
| 000279 | 1-100 | 300 |
| 000286 | 020*) | 5000 |
| 000306 | 052*) | 100000 |
| 000313 | 066*) | 10000 |
| 000320 | 065*) | 1000 |
| 000325 | 032*) | 1000 |
| 000329 | 063*) | 1000 |
| 000331 | 1-100 | 300 |
| 000332 | 1-100 | 300 |
| 000337 | 060*) | 5000 |
| 000338 | 056*) | 25000 |
| 000353 | 1-100 | 500 |
| 000354 | 1-100 | 300 |
| 000358 | 1-100 | 300 |
| 000359 | 1-100 | 300 |
| 000364 | 1-100 | 300 |
| 000368 | 069*) | 1000 |
| 000374 | 094*) | 1000 |
| 000398 | 059*) | 5000 |
| 000399 | 029*) | 1000 |
| 000403 | 1-100 | 300 |
| 000412 | 1-100 | 400 |
| 000436 | 1-100 | 300 |
| 000442 | 024*) | 5000 |
| 000443 | 086*) | 1000 |
| 000445 | 1-100 | 300 |
| 000446 | 048*) | 5000 |
| 000449 | 1-100 | 400 |
| 000456 | 067*) | 1000 |
| 000463 | 1-100 | 400 |
| 000464 | 010*) | 10000 |
| 000474 | 1-100 | 300 |
| 000481 | 1-100 | 400 |
| 000493 | 1-100 | 300 |
| 000495 | 001*) | 5000 |
| 000498 | 053*) | 5000 |
| 000502 | 1-100 | 300 |
| 000503 | 1-100 | 400 |
| 000510 | 080*) | 5000 |
| 000511 | 1-100 | 300 |
| 000518 | 063*) | 1000 |
| 000520 | 1-100 | 300 |
| 000521 | 1-100 | 300 |
| 000527 | 012*) | 1000 |
| 000532 | 1-100 | 300 |
| 000539 | 064*) | 5000 |
| 000554 | 009*) | 5000 |
| 000557 | 1-100 | 300 |
| 000563 | 1-100 | 400 |
| 000583 | 1-100 | 300 |
| 000584 | 1-100 | 400 |
| 000585 | 1-100 | 400 |
| 000589 | 001*) | 1000 |
| 000591 | 088*) | 5000 |
| 000595 | 080*) | 5000 |
| 000596 | 071*) | 1000 |
| 000639 | 063*) | 10000 |
| 000640 | 1-100 | 400 |
| 000659 | 1-100 | 400 |
| 000669 | 1-100 | 300 |
| 000671 | 1-100 | 500 |
| 000684 | 016*) | 25000 |
| 000700 | 1-100 | 300 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 000703 | 1-100 | 400 |
| 000704 | 093*) | 1000 |
| 000717 | 040*) | 10000 |
| 000726 | 054*) | 1000 |
| 000727 | 059*) | 1000 |
| 000729 | 032*) | 5000 |
| 000738 | 099*) | 1000 |
| 000744 | 1-100 | 300 |
| 000751 | 028*) | 1000 |
| 000753 | 1-100 | 400 |
| 000754 | 1-100 | 300 |
| 000755 | 1-100 | 300 |
| 000759 | 034*) | 25000 |
| 000764 | 1-100 | 400 |
| 000766 | 1-100 | 300 |
| 000767 | 009*) | 1000 |
| 000768 | 001*) | 1000 |
| 000776 | 1-100 | 300 |
| 000784 | 069*) | 1000 |
| 000786 | 018*) | 1000 |
| 000790 | 1-100 | 300 |
| 000796 | 040*) | 2000000 |
| 000812 | 015*) | 5000 |
| 000816 | 010*) | 1000 |
| 000823 | 065*) | 5000 |
| 000826 | 1-100 | 300 |
| 000832 | 1-100 | 400 |
| 000836 | 031*) | 5000 |
| 000841 | 1-100 | 400 |
| 000846 | 1-100 | 300 |
| 000869 | 011*) | 10000 |
| 000871 | 052*) | 1000 |
| 000873 | 078*) | 10000 |
| 000875 | 1-100 | 300 |
| 000885 | 086*) | 5000 |
| 000887 | 085*) | 1000 |
| 000891 | 1-100 | 300 |
| 000897 | 1-100 | 300 |
| 000900 | 017*) | 5000 |
| 000903 | 098*) | 1000 |
| 000910 | 1-100 | 300 |
| 000918 | 046*) | 1000000 |
| 000923 | 1-100 | 500 |
| 000928 | 071*) | 5000 |
| 000930 | 1-100 | 300 |
| 000935 | 1-100 | 400 |
| 000942 | 091*) | 5000 |
| 000950 | 1-100 | 500 |
| 000952 | 1-100 | 300 |
| 000959 | 1-100 | 500 |
| 000962 | 051*) | 10000 |
| 000972 | 1-100 | 300 |
| 000976 | 022*) | 1000 |
| 000978 | 040*) | 5000 |
| 000981 | 1-100 | 300 |
| 000985 | 1-100 | 400 |
| 000988 | 1-100 | 300 |
| 000993 | 019*) | 1000 |
| 000999 | 049*) | 1000 |
| 001000 | 053*) | 5000 |
| 001006 | 1-100 | 300 |
| 001009 | 1-100 | 300 |
| 001011 | 1-100 | 300 |
| 001030 | 008*) | 5000 |
| 001032 | 051*) | 5000 |
| 001034 | 1-100 | 500 |
| 001040 | 074*) | 1000 |
| 001052 | 064*) | 5000 |
| 001055 | 032*) | 1000 |
| 001067 | 097*) | 1000 |
| 001071 | 1-100 | 400 |
| 001092 | 051*) | 5000 |
| 001095 | 066*) | 5000 |
| 001096 | 079*) | 1000 |
| 001097 | 1-100 | 300 |
| 001111 | 1-100 | 300 |
| 001117 | 021*) | 1000 |
| 001118 | 045*) | 1000 |
| 001159 | 028*) | 1000 |
| 001161 | 1-100 | 300 |
| 001168 | 1-100 | 300 |
| 001170 | 1-100 | 300 |
| 001171 | 1-100 | 400 |
| 001177 | 035*) | 1000 |
| 001178 | 1-100 | 500 |
| 001187 | 088*) | 1000 |
| 001189 | 1-100 | 300 |
| 001198 | 1-100 | 500 |
| 001199 | 012*) | 1000 |
| 001203 | 1-100 | 300 |
| 001215 | 005*) | 5000 |
| 001219 | 094*) | 1000 |
| 001223 | 005*) | 5000 |
| 001232 | 003*) | 5000 |
| 001236 | 1-100 | 400 |
| 001237 | 1-100 | 300 |
| 001239 | 1-100 | 300 |
| 001243 | 036*) | 50000 |
| 001247 | 1-100 | 500 |
| 001251 | 1-100 | 400 |
| 001253 | 080*) | 1000 |
| 001257 | 062*) | 5000 |
| 001278 | 059*) | 5000 |
| 001279 | 1-100 | 400 |
| 001293 | 057*) | 5000 |
| 001297 | 1-100 | 400 |
| 001298 | 100*) | 1000 |
| 001303 | 1-100 | 300 |
| 001310 | 096*) | 5000 |
| 001315 | 1-100 | 400 |
| 001330 | 1-100 | 400 |
| 001334 | 004*) | 5000 |
| 001336 | 090*) | 5000 |
| 001340 | 068*) | 5000 |
| 001347 | 078*) | 5000 |
| 001376 | 1-100 | 300 |
| 001385 | 090*) | 1000 |
| 001393 | 023*) | 1000 |
| 001408 | 081*) | 10000 |
| 001416 | 1-100 | 300 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 001418 | 1-100 | 300 |
| 001424 | 1-100 | 400 |
| 001427 | 035*) | 5000 |
| 001429 | 055*) | 1000 |
| 001435 | 1-100 | 300 |
| 001440 | 1-100 | 300 |
| 001441 | 1-100 | 500 |
| 001449 | 017*) | 1000 |
| 001450 | 1-100 | 400 |
| 001452 | 097*) | 5000 |
| 001453 | 050*) | 1000 |
| 001460 | 1-100 | 300 |
| 001463 | 1-100 | 300 |
| 001465 | 040*) | 1000 |
| 001466 | 1-100 | 400 |
| 001470 | 1-100 | 300 |
| 001472 | 1-100 | 300 |
| 001477 | 094*) | 1000 |
| 001481 | 093*) | 1000 |
| 001485 | 029*) | 1000 |
| 001486 | 018*) | 1000 |
| 001500 | 1-100 | 400 |
| 001521 | 057*) | 5000 |
| 001536 | 1-100 | 500 |
| 001543 | 045*) | 1000 |
| 001546 | 087*) | 1000 |
| 001547 | 099*) | 5000 |
| 001557 | 041*) | 5000 |
| 001576 | 067*) | 25000 |
| 001578 | 1-100 | 300 |
| 001586 | 1-100 | 300 |
| 001601 | 1-100 | 500 |
| 001608 | 1-100 | 500 |
| 001609 | 044*) | 1000 |
| 001613 | 1-100 | 300 |
| 001626 | 052*) | 5000 |
| 001627 | 1-100 | 300 |
| 001628 | 073*) | 100000 |
| 001632 | 1-100 | 300 |
| 001633 | 1-100 | 300 |
| 001638 | 011*) | 5000 |
| 001641 | 1-100 | 500 |
| 001653 | 085*) | 5000 |
| 001657 | 015*) | 5000 |
| 001671 | 041*) | 10000 |
| 001681 | 009*) | 1000 |
| 001683 | 1-100 | 400 |
| 001687 | 050*) | 5000 |
| 001701 | 1-100 | 300 |
| 001702 | 006*) | 1000 |
| 001706 | 1-100 | 400 |
| 001710 | 093*) | 1000 |
| 001717 | 1-100 | 300 |
| 001721 | 1-100 | 400 |
| 001724 | 020*) | 5000 |
| 001725 | 1-100 | 400 |
| 001728 | 043*) | 500000 |
| 001751 | 1-100 | 300 |
| 001755 | 091*) | 5000 |
| 001763 | 081*) | 5000 |
| 001768 | 037*) | 1000 |
| 001775 | 043*) | 10000 |
| 001782 | 061*) | 5000 |
| 001785 | 013*) | 5000 |
| 001788 | 037*) | 5000 |
| 001803 | 090*) | 5000 |
| 001804 | 1-100 | 400 |
| 001811 | 033*) | 1000 |
| 001827 | 016*) | 1000 |
| 001829 | 095*) | 5000 |
| 001830 | 1-100 | 300 |
| 001834 | 1-100 | 500 |
| 001838 | 1-100 | 300 |
| 001850 | 095*) | 25000 |
| 001856 | 016*) | 1000 |
| 001866 | 091*) | 1000 |
| 001871 | 1-100 | 300 |
| 001874 | 1-100 | 400 |
| 001877 | 1-100 | 400 |
| 001882 | 088*) | 25000 |
| 001884 | 083*) | 10000 |
| 001894 | 061*) | 5000 |
| 001915 | 1-100 | 300 |
| 001924 | 066*) | 5000 |
| 001935 | 010*) | 10000 |
| 001939 | 087*) | 1000 |
| 001940 | 032*) | 1000 |
| 001948 | 095*) | 10000 |
| 001953 | 1-100 | 300 |
| 001961 | 021*) | 1000 |
| 001967 | 030*) | 1000 |
| 001970 | 1-100 | 300 |
| 001975 | 004*) | 5000 |
| 001979 | 1-100 | 400 |
| 001986 | 050*) | 10000 |
| 001987 | 1-100 | 400 |
| 001988 | 057*) | 1000 |
| 001994 | 024*) | 25000 |
| 001995 | 071*) | 25000 |
| 001997 | 1-100 | 300 |
| 002013 | 1-100 | 400 |
| 002019 | 1-100 | 300 |
| 002020 | 037*) | 1000 |
| 002033 | 057*) | 1000 |
| 002049 | 1-100 | 400 |
| 002050 | 061*) | 1000 |
| 002051 | 1-100 | 400 |
| 002054 | 009*) | 5000 |
| 002055 | 044*) | 1000 |
| 002056 | 057*) | 10000 |
| 002071 | 1-100 | 400 |
| 002073 | 081*) | 1000 |
| 002079 | 1-100 | 300 |
| 002081 | 1-100 | 400 |
| 002087 | 032*) | 1000 |
| 002088 | 036*) | 25000 |
| 002106 | 1-100 | 400 |
| 002118 | 1-100 | 300 |
| 002122 | 1-100 | 400 |
| 002125 | 036*) | 1000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 002127 | 041*) | 5000 |
| 002149 | 078*) | 5000 |
| 002156 | 040*) | 10000 |
| 002162 | 1-100 | 300 |
| 002171 | 016*) | 5000 |
| 002180 | 1-100 | 300 |
| 002189 | 1-100 | 300 |
| 002192 | 1-100 | 300 |
| 002196 | 1-100 | 400 |
| 002200 | 076*) | 5000 |
| 002210 | 028*) | 5000 |
| 002211 | 038*) | 1000 |
| 002216 | 1-100 | 300 |
| 002221 | 1-100 | 300 |
| 002232 | 1-100 | 400 |
| 002241 | 1-100 | 500 |
| 002244 | 1-100 | 300 |
| 002248 | 071*) | 5000 |
| 002255 | 034*) | 5000 |
| 002266 | 039*) | 1000 |
| 002272 | 1-100 | 300 |
| 002278 | 097*) | 5000 |
| 002281 | 1-100 | 400 |
| 002284 | 003*) | 1000 |
| 002285 | 067*) | 1000 |
| 002290 | 1-100 | 300 |
| 002291 | 1-100 | 400 |
| 002295 | 1-100 | 300 |
| 002298 | 1-100 | 300 |
| 002299 | 1-100 | 300 |
| 002300 | 1-100 | 500 |
| 002307 | 1-100 | 500 |
| 002317 | 067*) | 1000 |
| 002318 | 1-100 | 500 |
| 002330 | 1-100 | 400 |
| 002339 | 1-100 | 300 |
| 002341 | 051*) | 1000 |
| 002344 | 058*) | 1000 |
| 002359 | 080*) | 1000 |
| 002363 | 014*) | 5000 |
| 002367 | 1-100 | 300 |
| 002369 | 090*) | 1000 |
| 002372 | 022*) | 10000 |
| 002380 | 1-100 | 400 |
| 002384 | 1-100 | 300 |
| 002388 | 1-100 | 400 |
| 002391 | 1-100 | 300 |
| 002405 | 017*) | 5000 |
| 002409 | 060*) | 5000 |
| 002413 | 096*) | 5000 |
| 002420 | 1-100 | 300 |
| 002441 | 1-100 | 300 |
| 002442 | 1-100 | 300 |
| 002450 | 1-100 | 500 |
| 002470 | 026*) | 1000 |
| 002483 | 1-100 | 300 |
| 002488 | 1-100 | 400 |
| 002491 | 059*) | 5000 |
| 002492 | 1-100 | 300 |
| 002495 | 035*) | 1000 |
| 002500 | 054*) | 5000 |
| 002523 | 010*) | 5000 |
| 002532 | 1-100 | 300 |
| 002549 | 1-100 | 300 |
| 002567 | 1-100 | 400 |
| 002589 | 1-100 | 400 |
| 002591 | 1-100 | 300 |
| 002607 | 046*) | 5000 |
| 002609 | 1-100 | 300 |
| 002611 | 1-100 | 500 |
| 002619 | 1-100 | 400 |
| 002623 | 1-100 | 300 |
| 002625 | 1-100 | 400 |
| 002630 | 1-100 | 300 |
| 002640 | 1-100 | 400 |
| 002643 | 1-100 | 500 |
| 002649 | 025*) | 5000 |
| 002654 | 1-100 | 300 |
| 002657 | 022*) | 5000 |
| 002658 | 1-100 | 400 |
| 002660 | 1-100 | 400 |
| 002665 | 1-100 | 300 |
| 002668 | 1-100 | 300 |
| 002670 | 1-100 | 500 |
| 002684 | 032*) | 1000 |
| 002685 | 019*) | 25000 |
| 002686 | 1-100 | 300 |
| 002689 | 027*) | 50000 |
| 002699 | 055*) | 5000 |
| 002707 | 008*) | 250000 |
| 002710 | 1-100 | 300 |
| 002728 | 1-100 | 400 |
| 002729 | 1-100 | 300 |
| 002730 | 053*) | 1000 |
| 002731 | 090*) | 5000 |
| 002732 | 011*) | 1000 |
| 002734 | 1-100 | 500 |
| 002738 | 1-100 | 300 |
| 002739 | 1-100 | 300 |
| 002740 | 041*) | 5000 |
| 002745 | 1-100 | 300 |
| 002747 | 1-100 | 500 |
| 002752 | 094*) | 1000 |
| 002755 | 1-100 | 400 |
| 002757 | 1-100 | 500 |
| 002764 | 021*) | 5000 |
| 002768 | 1-100 | 500 |
| 002779 | 1-100 | 500 |
| 002780 | 1-100 | 500 |
| 002782 | 037*) | 1000 |
| 002784 | 1-100 | 400 |
| 002799 | 024*) | 1000 |
| 002800 | 066*) | 25000 |
| 002801 | 032*) | 1000 |
| 002826 | 1-100 | 300 |
| 002829 | 052*) | 1000 |
| 002831 | 1-100 | 500 |
| 002833 | 025*) | 5000 |
| 002834 | 1-100 | 300 |
| 002837 | 028*) | 5000 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 002855 | 1-100 | 400 |
| 002861 | 070*) | 1000 |
| 002872 | 058*) | 10000 |
| 002887 | 1-100 | 300 |
| 002890 | 062*) | 25000 |
| 002892 | 023*) | 1000 |
| 002893 | 057*) | 5000 |
| 002895 | 055*) | 5000 |
| 002896 | 020*) | 1000 |
| 002897 | 055*) | 1000 |
| 002909 | 1-100 | 300 |
| 002913 | 1-100 | 300 |
| 002914 | 028*) | 5000 |
| 002925 | 1-100 | 300 |
| 002932 | 1-100 | 300 |
| 002945 | 1-100 | 300 |
| 002963 | 089*) | 1000 |
| 002965 | 1-100 | 300 |
| 002974 | 075*) | 25000 |
| 002977 | 096*) | 5000 |
| 002978 | 1-100 | 400 |
| 002987 | 086*) | 1000 |
| 002994 | 066*) | 10000 |
| 002998 | 079*) | 5000 |
| 003013 | 012*) | 1000 |
| 003016 | 081*) | 1000 |
| 003017 | 068*) | 5000 |
| 003029 | 1-100 | 400 |
| 003031 | 1-100 | 300 |
| 003037 | 094*) | 100000 |
| 003044 | 1-100 | 300 |
| 003049 | 1-100 | 300 |
| 003074 | 1-100 | 400 |
| 003075 | 048*) | 5000 |
| 003084 | 1-100 | 300 |
| 003094 | 1-100 | 300 |
| 003104 | 002*) | 1000 |
| 003105 | 1-100 | 300 |
| 003110 | 086*) | 100000 |
| 003117 | 1-100 | 400 |
| 003119 | 061*) | 1000 |
| 003124 | 1-100 | 500 |
| 003130 | 1-100 | 300 |
| 003133 | 071*) | 1000 |
| 003142 | 1-100 | 300 |
| 003150 | 1-100 | 300 |
| 003159 | 100*) | 10000 |
| 003167 | 028*) | 5000 |
| 003182 | 006*) | 5000 |
| 003193 | 069*) | 5000 |
| 003201 | 083*) | 1000 |
| 003207 | 1-100 | 300 |
| 003214 | 1-100 | 400 |
| 003215 | 1-100 | 300 |
| 003216 | 1-100 | 300 |
| 003221 | 1-100 | 300 |
| 003227 | 011*) | 25000 |
| 003229 | 1-100 | 300 |
| 003230 | 1-100 | 400 |
| 003231 | 018*) | 1000 |
| 003238 | 096*) | 5000 |
| 003240 | 1-100 | 400 |
| 003246 | 033*) | 1000 |
| 003249 | 021*) | 1000 |
| 003250 | 032*) | 5000 |
| 003261 | 032*) | 1000 |
| 003264 | 013*) | 1000 |
| 003272 | 1-100 | 400 |
| 003273 | 048*) | 1000 |
| 003279 | 037*) | 1000 |
| 003286 | 057*) | 1000 |
| 003295 | 1-100 | 500 |
| 003300 | 1-100 | 400 |
| 003314 | 029*) | 5000 |
| 003327 | 035*) | 100000 |
| 003328 | 1-100 | 300 |
| 003335 | 033*) | 1000 |
| 003337 | 1-100 | 400 |
| 003338 | 016*) | 5000 |
| 003340 | 1-100 | 400 |
| 003354 | 1-100 | 300 |
| 003356 | 1-100 | 300 |
| 003359 | 099*) | 1000 |
| 003365 | 1-100 | 300 |
| 003371 | 041*) | 5000 |
| 003372 | 1-100 | 300 |
| 003374 | 1-100 | 400 |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқнинг миқдори |
|---|---|---|
| 003378 | 006*) | 25000 |
| 003379 | 1-100 | 500 |
| 003381 | 1-100 | 300 |
| 003384 | 034*) | 1000 |
| 003386 | 004*) | 1000 |
| 003430 | 032*) | 1000 |
| 003446 | 1-100 | 300 |
| 003462 | 049*) | 1000 |
| 003473 | 053*) | 1000 |
| 003482 | 095*) | 25000 |
| 003493 | 087*) | 5000 |
| 003504 | 1-100 | 300 |
| 003510 | 1-100 | 300 |
| 003532 | 1-100 | 300 |
| 003535 | 1-100 | 300 |
| 003539 | 071*) | 5000 |
| 003559 | 1-100 | 300 |
| 003571 | 1-100 | 400 |
| 003572 | 038*) | 1000 |
| 003578 | 034*) | 5000 |
| 003590 | 1-100 | 400 |
| 003597 | 044*) | 5000 |
| 003610 | 057*) | 10000 |
| 003614 | 100*) | 1000 |
| 003628 | 040*) | 5000 |
| 003634 | 037*) | 25000 |
| 003636 | 1-100 | 400 |
| 003639 | 031*) | 5000 |
| 003640 | 053*) | 1000 |
| 003645 | 1-100 | 300 |
| 003650 | 1-100 | 300 |
| 003655 | 1-100 | 500 |
| 003663 | 1-100 | 300 |
| 003671 | 088*) | 1000 |
| 003687 | 038*) | 1000 |
| 003690 | 095*) | 10000 |
| 003697 | 081*) | 1000 |
| 003699 | 045*) | 25000 |
| 003702 | 1-100 | 400 |
| 003707 | 040*) | 1000 |
| 003709 | 1-100 | 400 |
| 003711 | 097*) | 50000 |
| 003712 | 090*) | 1000 |
| 003722 | 1-100 | 300 |
| 003726 | 095*) | 10000 |
| 003730 | 064*) | 1000 |
| 003733 | 054*) | 1000 |
| 003735 | 017*) | 5000 |
| 003736 | 1-100 | 300 |
| 003752 | 1-100 | 300 |
| 003754 | 096*) | 5000 |
| 003760 | 081*) | 1000 |
| 003762 | 1-100 | 300 |
| 003774 | 1-100 | 300 |
| 003778 | 1-100 | 500 |
| 003784 | 1-100 | 400 |
| 003789 | 040*) | 5000000 |
| 003790 | 048*) | 5000 |
| 003791 | 1-100 | 300 |
| 003799 | 1-100 | 400 |
| 003809 | 1-100 | 300 |
| 003819 | 073*) | 1000 |
| 003823 | 1-100 | 300 |
| 003829 | 044*) | 5000 |
| 003832 | 081*) | 5000 |
| 003841 | 054*) | 50000 |
| 003847 | 081*) | 1000 |
| 003848 | 053*) | 1000 |
| 003851 | 1-100 | 500 |
| 003872 | 031*) | 10000 |
| 003881 | 1-100 | 400 |
| 003886 | 1-100 | 300 |
| 003896 | 1-100 | 400 |
| 003909 | 1-100 | 400 |
| 003919 | 1-100 | 300 |
| 003921 | 1-100 | 500 |
| 003925 | 0022) | 1000 |
| 003936 | 041*) | 25000 |
| 003939 | 1-100 | 400 |
| 003942 | 1-100 | 300 |
| 003944 | 082*) | 10000 |
| 003972 | 066*) | 1000 |
| 003979 | 1-100 | 300 |
| 003982 | 1-100 | 400 |
| 003990 | 070*) | 1000 |
| 004000 | 1-100 | 300 |

*) Қолган 99 та билет номерига 200 сўмдан ютуқ чиқди. 15000 сўм ва 15000 сўмгача миқдоридаги ютуқлар «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг барча муассасаларида тўланади. 15000 сўмдан юқори ютуқли лотерея билетлари «Давлат белгиси» ДИЧБ томонидан экспертизадан ўтказилгандан кейин «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг барча муассасалари томонидан тўланади.

Ютуқли билетлар ҳақ тўлашга 2003 йил 10 февралгача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

**Расулова Муқаддам Мансуржоновна** - Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари, тираж комиссияси раиси.

**Жалилова Гавҳар Самиевна** - Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Фарғона вилояти бўлими бошлиғи, тираж комиссияси раисининг биринчи ўринбосари.

**Шодиев Калон Шодиевич** - Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи, тираж комиссияси раисининг ўринбосари.

**Абдуллаев Абдуваҳоб Қаххорович** - «Зафар-И» ҳиссадорлик жамияти тафтиш комиссияси раиси, тираж комиссиясининг масъул котиби.

**Маълумот учун телефонлар: 133-73-64, 133-45-28.**

6408/2132

Талабадан мактуб

# Қалбимизда Ватан ғурури

Фикримча, у ёки бу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини, фаровонлигини, иқтисодий ривожланганлигини ва бойлигини таъминлаб берувчи асосий омил — бу унинг жўғрофий жиҳатдан қулай жойлашганлиги, табиий ресурслари, ҳарбий қудрати эмас, балки унинг халқи ҳисобланади.

Масалан, Япония табиий ресурсларга бой мамлакат эмас, унда олтингугуртдан ташқари деярли барча ресурслар кам миқдорда. Аммо шунга қарамай, Япония иқтисодий ривожланиш жиҳатдан Америка Қўшма Штатларидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Нима сабабдан бу давлат шу даражага етган? Чунки Японияннинг табиий ресурслари бўлмаса ҳам, унинг бебаҳо ватанпарвар, мақсадга интилувчан, меҳнаткаш халқи бор.

Ўзбекистон ҳам ўзининг буюк тарихи ҳамда жаҳон тажрибасидан ўрнак олган ҳолда олдинга интилиб бормоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни жадал кечмоқда. Янги таълим тизими — узлуксиз таълим дастурининг жорий қилиниши, жаҳон стандартларига мос келадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барпо этилиши ислоҳотларнинг қай даражада самарали кетаётганлигини исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда бу ислоҳотларнинг мевасини кўриб турибмиз. Ёш талабаларимиз ва ўқувчиларимиз жаҳон олимпиадаларида қатнашиб, етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Яқинда Москва шаҳрида япон нотиқлиги бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг 3-курс талабаси Л.Йўлдошев биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонда бундай ёшлар кам дейсизми?

Тўғри, иқтидорли ёшларимиз кўп. Аммо бўш вақтини беҳуда сарфлайдиган, ўзининг нимага қодир эканлигини англаб етмаган ёшлар ҳам кам эмас. Биз ахир, Амир Темур бобомиз айтганларидай, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи бўлмиш Турон замини фарзандларимиз. Бизлар шу даражада бўлишимиз керакки, дунёнинг бошқа халқлари, керак бўлса, биздан ўрнак оладиган бўлсин, бизга тақлид қилсин.

Албатта, Абу Али ибн Сино, Форобий, Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Шекспир, Пушкин каби улуғ инсонларнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаларини моддий қийматлар билан ўлчаб бўлмайди. Беруний, Коперник, Кеплер,Ньютон, Эйнштейн қилган кашфиётлар инсоният ривожланишини бир неча ва ҳатто юз йил олдинга суриб қўйди. Бундай мисолларни келтиришимдан мақсад, айтмоқчиманки, эртага Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида обрўсини ошириш, иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва чинакам буюк давлатга айлантириш биз, ёшларнинг билимига, малакасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Дилшод САТТОРОВ,**
**Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 3-курс талабаси.**

Археология



# Японияда намойиш этилмоқда

Бир пайтлар Тошкент, Бухоро ёки Самарқанд шаҳарларида кунчиқар мамлакат — Япониядан келган туристларни кўриб қолгудек бўлсак, ҳайрат билан қарардик. Тушунмасак ҳам сўзларига қулоқ тутиб, юриш-туришларини қизиқиб томоша қилардик. Аммо ўзимиз ҳам Японияга тез-тез бориб келадиган, халқларимиз ва мамлакатларимиз тараққиёти йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имкониятларига эга бўладиган кунларимиз яқин эканлигини хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Ниҳоят, ўша бахтга мушарраф бўлдик. Бундай бахтнинг йўлини асрий орзумиз — мустақиллик очиб берди. Унинг шарофати билан «Буюк Ипак йўли» ғуборлардан тозаланиб, яна кўркам бўй кўрсата бошлади. Ота-боболаримиз бошлаган эзгу ва хайрли ишларнинг янги-янги уфқлари очилмоқда. Дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривож топмоқда.

Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Японияга қилган бу йилги расмий ташрифи давомида имзоланган тарихий ҳужжатлар кўпдан-кўп соҳалар қатори илм-фанда ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболларини яратди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларининг самараси диққатга сазовордир.

Шу кунларда Японияда намойиш этилаётган «Ўзбекистоннинг янги археологик дурдоналари» мавзуидаги кўргазма фикримизнинг ёрқин далилидир. Японлар томонидан катта қизиқиш билан томоша қилинаётган мазкур кўргазма Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги археология институти, Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси, Халқаро Ипак йўли академияси ҳамда Якушизи буддавийлик жамоаси томонидан ташкил этилди. Кўргазмада Ўзбекистон археологиясининг сўнгги ютуқлари ва айниқса, қўҳна Термиздаги Қоратепа буддавийлик мажмуасида ўзбек-япон экспедицияси олиб бораётган тадқиқот ишлари натижаларига кенг ўрин берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек-япон археологларининг ҳамкорлиги Япония жамоатчилигида анчадан бери катта қизиқиш уйғотиб келаяпти.

Сентябрь ойининг сўнгги кунлари Токиода катта муваффақият билан намойиш этилган кўргазма шу кеча-кундузда Нора шаҳрида давом этмоқда. Ўтказилган тантанали йиғилишда Ўзбекистоннинг Японияндаги фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Тўра Мирзаев, японялик профессор К.Католар сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг археологик дурдоналари кўргазмаси мамлакатларимиз ўртасида маданий ва илмий алоқаларни янада ривожлантиришда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини мамнуният билан таъкидладилар. Бу борадаги янги режалар ҳақида сўзладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти билан Японияннинг «Асахи» газетаси ўртасида тузилган шартномага асосан кўргазма Фукуока шаҳри музейида 15 ноябрдан 15 декабргача намойиш этилиши режалаштирилган.

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*



Фарғона политехника институти қошидаги «Ёрмазор» академик лицейи 600 нафар ўқувчига мўлжалланган. Лицей биноси кўркамлиги, миллий меъморчилик анъаналари уйғунлигида қурилганлиги билан ажралиб туради. У 400 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Талабаларнинг билим эгаллашлари учун бу ерда ҳамма қулайликлар яратилган. Мазкур лицейда табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ва ҳуқуқий фанлар йўналиши бўйича таълим берилади. Бу эса кейинчалик шу соҳа мутахассиси бўлишни ният қилган ёшлар учун катта имкониятдир.

**СУРАТДА:** талаба Шоҳсанам Қўшоқова кимё хонасида тажриба ўтказмоқда.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Боқий қадрият



*Шайх ул-ислом ал-Ҳаким ас-Самарқандий номи билан машҳур бўлган олимнинг тўлиқ исми Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, у ўз замонасининг машҳур ҳадисшуноси, фиқҳшуноси, мутакаллими ва воизи сифатида бутун мусулмон оламида танилган эди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган асосан араб тилидаги манбаларда олимнинг таваллуд йили ҳақида ҳеч қандай сана кўрсатилмаган. Аммо унинг вафоти ҳақида барча ёзма манбаларда 953 мелодий йили қайд этилиб, Самарқанднинг машҳур Чокардиза қабристонига дафн этилганлиги таъкидланади.*

# Самарқандлик яна бир аллома

Маълумки, мелодий IX-X асрлар Мовароуннаҳр ўлкасида диний ва дунёвий илмлар гуллаб яшнаган давр бўлиб, бу минтақадан кўплаб алломалар етишиб чиққан. Бинобарин, айни шу илм-фан тараққий қилган даврда Самарқандда ал-Ҳаким ас-Самарқандий таваллуд топади. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, ёшлигидан илм-маърифатга катта қизиқиш билан интилган ал-Ҳаким ўша даврнинг кўплаб таниқли олимларидан сабоқ олади. Жумладан, унинг устозларидан ўша замонда катта шуҳрат қозонган буюк алломалардан Абул Ҳасан Али ар-Рустуғфоний, Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Бакр ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Ҳузайм ал-Қаллос, Абу Наср ал-Ийодий, Абдуллоҳ ибн Саҳл ар-Розийларни кўрсатиш мумкин. У мазкур олимлардан тафсир, ҳадис, айниқса, фиқҳ ва калом илмларидан ҳар томонлама чуқур таълим олган ва ўз даврининг йирик олими даражасига етишган.

Таниқли олмон тадқиқотчиси Улрих Рудольф ўзининг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» номли китобида аллома ҳақида кўп маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича, ўша давр ҳукмдорларидан Исмоил ибн Аҳмад (у 892-907 йилларда ҳукмронлик қилган) Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан олимларни чорлаб, уларни ақидавий масалаларни тўғри талқин қиладиган мукаммал, ягона қоидалар мажмуасини яратишга даъват этган. Бу том маънода фойдали маънавий, маърифий дастурсимон мажмуани тасниф этишдан кўзланган мақсад минтақада илдиз отишга улгуриб, муборак ислом дини мазмун-моҳиятини бузиб талқин қиладиган турли оқим ва тоифаларни бартараф қилиш эди. Амалда эса бу бир пайтнинг ўзида ҳанафиййа таълимоти ҳам уламолар, ҳам ҳокимларнинг икки ёқлама нуфузига таянгани учунок катта аҳамият касб этиши кафолатланган қатъий қоидалар мажмуига ҳам эга бўлмоқ лозим, деган гап эди. Шунга кўра, йиғилган олимлар томонидан бундай қоидалар мажмуасини яратиш зиммасига юклатилган шахс ҳам шунга муносиб равишда умумхалқ томонидан тан олинган нуфузли олим бўлмоғи лозимлиги табиий талаб эди. Бу ўта шарафли ва айни вақтда катта масъулиятли вазифа ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг зиммасига юкланди. Чунки у кўпгина диний масалаларнинг чуқур билимдони, бидъатга қарши муросасиз курашчи сифатида катта ҳурматга сазовор, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган таниқли олим бўлиб, буни унинг фиқҳ соҳасида эгаллаб турган лавозими ҳам тасдиқларди. Зеро, у ўзининг она шаҳри Самарқандда узоқ йиллар бош қози лавозимида фаолият кўрсатган. Насафлик аллома Абул Муъийн ан-Насафий (1027-1114) ўзининг «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъло тарийқ ал-имом Абу Мансур ал-Мотуридий» («Дин усулларини имом Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш») номли йирик асарида ёзишича, у Самарқандда бош қози лавозимида турган пайтда, яъни 944 йилда вафот этган устози имом ал-Мотуридийнинг қабри устига «Бу қабр ўз ақл-заковати ва тафаккури билан кўплаб илмларнинг юксак чўққисини забт этган, у илмларнинг дунё бўйлаб тарқалишида бутун куч-қуввати ва салоҳиятини аямай сарфлаган, дину диёнат соҳасидаги асарлари унга мислсиз шону шавкат келтирган, умри бўйи инсонларга илмнинг лаззатли мевасини улашган алломанинг қабридир», деган битикни ёзишларини амр қилган.

Ал-Ҳаким ас-Самарқандийга юклатилган вазифа фиқҳ ёки тасаввуф соҳаларидан кўра моҳият эътибори билан, кўпроқ илоҳият масалаларига тегишли эди. У ҳанафиййа таълимотининг асосий хусусиятларини акс эттирган ҳамда барча учун бирдек тушунарли оммабоп бўлган қоидалар мажмуасини яратмоғи лозим эди. Унинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларининг маҳсули сифатида юзага келган асар кейинроқ қисқача «Китоб Ас-савод ал-аъзам» номи билан машҳур бўлиб, тўлиғича «Радд аъло асҳоб ал-аҳво ал-мусаммо китоб Ас-Савод ал-аъзам аъло мазҳаб ал-имом Абу Ҳанифа» деб аталади. Олимнинг мазкур асари унга юклатилган талабларга тўла жавоб берган кўринади. Чунки бу қимматли асар ўша асрнинг ўзидаёқ форс тилига ўгирилиб, кенг кўламда ўқиладиган ҳамда дарслик сифатида фойдаланиладиган асарлардан бирига айланган. Шунингдек, унинг дастлабки арабча матни усмонли турклар даврида чоп этилган бўлиб, булардан ташқари, унинг Қоҳира (1837 йил), Истамбул (1870, 1886, 1894 йиллар) нашрлари ҳам мавжуд. Ҳозирги замон турк тилига қилинган таржимаси Ойини Афанди Булғорий томонидан 1842 йилда Булоқда нашр этилган. Асар 1878 йилда Қозонда ҳам нашр этилиб, 1881 йилда татар тилига қилинган таржимаси ҳам чоп этилган. Шунингдек, «Ас-Савод ал-аъзам» А.Ҳабибий томонидан форсчага ҳам таржима қилиниб, 1969 йилда Теҳронда нашрдан чиққан. Бундан қарийб 30 йил муқаддам эса тадқиқотчи Ф.О.А. Умар томонидан Эдинбургда докторлик диссертацияси сифатида тадқиқ этилиб, инглиз тилига ҳам таржима қилинган.

Юқорида қайд этилганидек, ал-Ҳаким ас-Самарқандий яшаган даврларда мусулмон оламининг турли томонларида пайдо бўлганидек, Мовароуннаҳр ўлкасида ҳам ҳар хил оқим ва фирқалар пайдо бўлиб, улар ислом динини бузиб талқин қилиб, нотўғри ақидалар тарқатишар, бунинг натижасида кўп мусулмонлар ҳидоят йўлидан оғиб, ҳақиқий исломий ақидалардан узоқлашиб қолган эдилар. Адашган ва бошқаларни ҳам залолат йўлига бошлаган турли фирқа ва оқимларнинг нотўғри, зарарли қарашларига қарши буюк имом Абу Мансур ал-Мотуридий билан биргаликда у зотнинг сафдоши ва шогирди ал-Ҳаким ас-Самарқандий ғоявий кураш бошлаб, тарқала бошлаган бузуқ мафкураларга кескин зарба берадилар.

Ас-Самарқандийнинг энг асосий асари, шубҳасиз, «Китоб ас-Савод ал-аъзам» бўлиб, у IX-X асрларнинг туташ давридаги Мовароуннаҳр ҳанафийларининг илоҳият масалаларидаги қарашларини акс эттиради. Асарда келтирилган баён илоҳиятнинг айрим асосий масалалари билан чекланиб қолмайди. Зеро, бу масаланинг ўзи ҳам асарнинг манба сифатидаги қимматини янада оширади. Иймоннинг таърифи, гуноҳкорнинг ҳолати, қадар ёки нариги дунё ҳисоб-китоби каби кўриб чиқилиши одатий бўлган масалалардан ташқари, олим яна кўп мавзуларга тўхталади. Оллоҳ ва унинг сифатлари, шунингдек, Қуръон яратувчисининг қиёфаси, Қуръоннинг манбалари, эсхатология ва тақво, авлиёларни ҳурматлаш ва зоҳидлик, пайғамбар саҳобаларига иззат, жамоалар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва ҳатто фиқҳ илмининг ўзига хос муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ушбу асарда диний мухолифлардан иқтибослар олинган ҳолларни ҳам учратамиз. Бироқ бу ўринларда муайян файласуфларнинг айрим аниқ ғоялари равшан ифодаланмайди. Балки улар ниҳоятда умумий кўринишда тақдим этилади. Муаллиф учун унинг ўз шахсий таълимоти муҳимроқ ва уни кенгайтирилган ҳолда, бутун тафсилотлари билан баён этади. Бу ўринда ўқувчи бир муаммога дуч келади. Ал-Ҳаким бир-бирига ёндош мавзуларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, яъни муайян давомийликда кетма-кет жойлаштирилган фаслларга бирлаштириб, таҳлил этишдан чамаси онгли равишда воз кечган. Ўқувчининг диққатини кўпроқ жалб қилиш мақсадида бўлса керак, бир мавзудан иккинчисига сакраш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, иймон тўғрисидаги мақоладан кейин жамоа тўғрисидаги иккита мақола, ундан кейин эса, яна иймон тўғрисидаги бир мақола келтирилади. Шунинг учун алоҳида саволлар туркуми ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ўқиш жараёнида аста-секин шаклланa боради ва охирига келиб баъзи ўринларда кутилмаган оҳанглар касб этади. Бир қарашда, китоб фаслларини мавзулар бўйича туркумлаш унинг мазмунини англашни осонлаштиради. Бироқ бундай ёндошув баёнининг рисоладан олинадиган таассуротни сезиларли даражада белгиловчи ўзига хос жиҳатларининг йўқолишига олиб келган бўлур эди. Нима бўлганда ҳам, олимнинг вазифаси ўша даврда Мовароуннаҳрдаги жами мусулмонлар учун батафсил ва ҳаммабоп қўлланма яратиш эди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, ал-Ҳаким ас-Самарқандий илмий-маънавий меросида «Китоб ас-Савод ал-аъзам» билан бир қаторда «Ал-Эътиқод» номли асари ҳам бўлиб, бу асар ҳам ҳозирги вақтгача бутун дунё олиму уламоларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 977,
27225 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

ҲИКМАТ

***Ғайрат агар бўлмаса эр кишида,***
***Ҳеч унум бўлмас анинг ишида.***

Кўргазма

# «Мўйқалам билан Янги Англия бўйлаб»

Замонавий санъат марказида Малҳиддин Умаровнинг шу номдаги шахсий кўргазмаси очилди. У — манзара жанрининг таниқли устаси. М.Умаров 1975 йилдан буён Ўзбекистон ва чет элдаги кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси. 1995-1996 йилларда Гумерсбах шаҳридаги (Германия) Ханс Вальтер галереясида мусаввирнинг шахсий кўргазмаси ўтказилди. 2001 йилда эса М.Умаров Коннектикут штати (АҚШ) Нью-Лондон шаҳри Гриффис бадиий марказида ўз асарларини намойиш этди. 2002 йилда “Ўзбекистондаги Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси” ёрдамида рассом Калифорнияда ижодий сафарда бўлди. Сакраменто шаҳридаги Хелан Жонс галереясидаги кўргазма бу сафарнинг натижаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, М.Умаров асарлари нафақат мамлакатимиз музейларида сақланмоқда, балки Лондондаги Миллий галерея, Деҳлидаги Индира Ганди музейи, Германия, Италия, Франция, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлар шахсий коллекцияларини тўлдирмоқда.

Замонавий санъат марказидаги кўргазмада рассомнинг Америка Қўшма Штатларига сафари чоғида ишлаган суратлари намойиш этилмоқда.

# Санъат дўстликка хизмат қилади

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида грузиялик рассом Тамара Инаридзе асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма “Ўзбекистон—Грузия” дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Суратларда Кавказ табиати гўзаллиги, кундалик турмуш мавзулари акс эттирилган. Эътиборли томони шундаки, рассом асарлари орасида Шарқ маданияти, жумладан, ўзбек халқининг миллий кийимларига бағишланган кўплаб суратларни кўриш мумкин.

**(ЎзА)**

САВОЛ БИЗДАН...

**Телескопни ким ихтиро қилган?**

136-35-60

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*

Нобель мукофоти физика, химия, физиология ва тиббиёт, адабиёт соҳалари, шунингдек, тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги фаолияти учун берилади.

Бу ҳақда тошкентлик Файзулла Эшонхўжаев хабар берди.

НА ЛЮБОЙ ВКУС 5 ЛУЧШИХ СОРТОВ ИЗ ВЕНГРИИ
РАСФАСОВКА В КОРОБКАХ ПО 1 КГ.
ГАЗОННАЯ ТРАВА
РАСХОД 35 - 40 КВ.М.
ПО ЦЕНЕ 7,5 ТЫС. СУМ. ЗА 1 КГ.
Т.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йил 26 сентябрда тасдиқлаган № 19-03-РУз-84-2002 й. нархлар прейскурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2002 йилнинг 1 октябридан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 12900 сўм миқдорида белгиланди.
6390/2115

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Халқаро ҳамкорлик бош бошқармаси бошлиғи Р. Алимуҳаммедовга онаси **ТУРСУНОЙ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Фундаментал таълим факультетининг иқтисод йўналиши бўйича декан муовини, «Материалшунослик» кафедраси доценти Хушнуда Шарифходжаевага онаси **Ойпўлат ҒУЛОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси «ММН ва МД» кафедраси мудири, доцент Раҳим Қодировга ўғли **ДИЛМУРОД**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.20*
1 2 3 4 5 6